EKOLOGIYA, ATROF-MUHITNI
MUHOFAZA QILISH VA IQLIM
O‘ZGARISHI VAZIRLIGI

2025 йил “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилиниши муносабати билан амалга ошириладиган чора-тадбирлар, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, “Яшил макон” дастурини амалга ошириш бўйича манзилли ишларни ташкил қилиш юзасидан Экология вазири А. Абдухакимовнинг МАЪРУЗАСИ

- Яқинда **20 ноябрь** куни мамлакатимиз Парламенти палаталарининг қўшма мажлисида муҳтарам Президентимиз томонидан **2025 йилни “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт йили”** деб эълон қилиниши, барча даражадаги давлат идоралари раҳбарларига, шу жумладан вазир сифатида менга ва Сиз – ҳокимларга ушбу йўналишдаги ишларнинг самарадорлиги учун жуда катта масъулият юклайди.

- **Глобал иқлим ўзгариши** ва **антропоген омиллар**, яъни қазиб олинадиган энергия ресурсларини ёқиш, ўрмон-дарахтлар кесилиши, сувни исроф қилиш, қурилиш каби инсон фаолияти натижасида, ижтимоий-иқтисодий барқарорликка салбий таъсир қиладиган хавф-хатарлар кучаймоқда. Булар, биринчи навбатда, аҳоли саломатлиги ва фаровонлигига, сув ва озиқ-овқат хавфсизлигига, энергетика, саноат ва шаҳар инфратузилмаси самарали ишлашига жиддий хавф туғдиради.

АСОСИЙ САБАБЛАР ВА ИСЛОҲОТЛАР

Ўзбекистонда иқлим ўзгариши энг катта **хавф соладиган соҳалар:**

- Сув хўжалиги бошқаруви
- Қишлоқ хўжалиги бошқаруви

Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Иқлим кенгашини ташкил этиш тўғрисида” 2023 йил 23 июлдаги ПФ–106-сонли Фармони билан иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашишнинг ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишнинг ички институционал механизмларини такомиллаштириш мақсадида Президент ҳузурида **Иқлим Кенгаши** ва Экология вазирлиги ҳузурида **Иқлим ўзгариши миллий маркази** ташкил этилди.

АСОСИЙ САБАБЛАР ВА ИСЛОҲОТЛАР

- Иқлим ўзгаришига асосий сабабчи ҳисобланадиган иссиқхона газларининг **74 фоизи** энергетика соҳасига, қолган **26 фоизи** қишлоқ хўжалиги **(19 фоиз),** маиший чиқиндилар **(4 фоиз)** ва саноат жараёнларига **(3 фоиз)** тўғри келади.

- Шу ўринда, **иссиқхона газлари** (парниковые газы) деганда, иссиқхона (теплица, парник)дан чиқадиган газ деб тушуниш керак эмаслигига эътиборингизни қаратаман. Иссиқхона гази – Ер атмосфераси шаффофлигини камайтириш ҳисобига, сайёрамизга тушган қуёш нурларининг маълум қисмини очиқ коинотга қайтиб кетмасдан, Ер атмосферасида ушланиб қолишига сабабчи бўладиган карбонат ангидрид (углекислый газ), сув буғи, метан, азот оксиди, озон ва синтетик кимёвий газлардир.

“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИГА

Давлатимиз Раҳбари 2023 йил 11 сентябрда ПФ–158-сон Фармон билан тасдиқлаб берган **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясига** кўра 2030 йилгача зиммамизга қуйидаги вазифалар юклатилган:

- атмосферага чиқариб ташланаётган ифлослантирувчи моддалар миқдорини **10,5 фоизга камайтириш**
- атроф-муҳитга таъсири бўйича **I** ва **II** тоифага кирувчи хўжалик юритувчи субъектлардаги ифлослантирувчи технологияларни тўлиқ модернизация қилиш;
- ҳар йили **200 миллион туп** дарахт экиб, республикада яшиллик даражасини **30 фоизга** етказиш;
- ерларни эрозиядан ва мелиорация объектларини қум кўчишидан сақлаш учун **26 200 гектар** иҳота дарахтзорларини барпо этиш, республикада ўрмон билан қопланган майдонларни **6,1 миллион гектарга** етказиш;
- қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари билан қамраб олиш даражасини **100 фоизга**, чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини **65 фоизга** етказиш, маиший чиқинди полигонларини **50 фоизга** қисқартириш.

Шу билан бирга, эътиборингизни қонунчиликка кўра бу вазифалар нафақат Экология вазирлиги, балки ҳокимликлар зиммасига ҳам юклатилганига қаратмоқчиман.

“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИГА

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг **“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 8-моддасида** *экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасидаги давлат бошқаруви* Вазирлар Маҳкамаси, Экология вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Ушбу Қонуннинг 10-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларига қуйидаги ваколатлар берилган:

- ўз ҳудудида табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш, экология дастурини тасдиқлаш;
- табиий ресурсларни ҳисобга олиш ва уларнинг аҳволига баҳо бериш, экология жиҳатидан зарарли бўлган объектларни рўйхатга олиш;
- табиатни муҳофаза қилишга доир тадбирларни моддий-техника жиҳатидан таъминлаш;



III. “ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ЯШИЛ ҲУДУДЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ЧЎЛЛАНИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида яшил ҳудудларни кенгайтириш ва чўлланишга қарши курашиш бўйича ишлар изчил давом эттирилиб, республиканинг ўрмон билан қопланганлик даражаси ҳозирги **8,1 фоиздан** 2030 йилда **15 фоизга** *(6,1 млн гектар)* етказилади.

Ўрмонлардаги ер, сув, ер ости бойликлари ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш бўйича муносабатларни тартибга солиш мақсадида **Ўзбекистон Республикасининг Ўрмон кодекси** лойиҳаси ишлаб чиқилади.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили **200 млн туп**, яъни кейинги беш йилда жами **1 млрд туп** дарахт ва бута кўчатлари экилади *(2021-2024 йилларда 667 млн туп кўчат экилди)*.

III. “ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ЯШИЛ ҲУДУДЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ЧЎЛЛАНИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ

- Ўрмонлар барпо этиш ва қайта тиклаш, кўкаламзорлаштириш тадбирлари учун давлат ўрмон хўжаликларида ҳар йили камида **100 млн дона** ниҳол-кўчатлар етиштириш таъминланади.
- Келгуси 5 йилда трансчегаравий гармсел шамоллари ва чанг-қум бўронлари таъсирини камайтириш учун жами **100 минг гектар** “яшил қалқон”лар ташкил қилинади.
- Республиканинг ҳар бир ҳудудида дендрология боғлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида шўрланишга чидамли галофит ўсимликлари боғлари ташкил этилади.
- Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида Гидрометеорология хизмати агентлигига туташ ер майдонида **“Жамоат парки”** (Oxygen park) барпо этилади *(Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72-уй).*

III. “ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ЯШИЛ ҲУДУДЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ЧЎЛЛАНИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ

- Маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларидан **“Яшил макон”** умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш бўйича белгиланган режа кўрсаткичлари сўзсиз бажариш талаб этилади. Бунда, экиладиган дарахт турлари ҳудуднинг иқлим-тупроқ шароитига мослигига, экилган кўчатларни суғориш ва парваришлаш тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

- Шунингдек, ҳокимлар ҳудудларда ташкил этилган ва барпо этилиши режалаштирилган **“Жамоат парклари”га** шахсан масъул бўлиши, ўрмон фонди ерлари ва улардаги амалга оширилаётган ишлар билан шуғулланиши талаб этилади.

VI. ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ ВА УНГА МОСЛАШИШ

Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича миллий стратегия, шунингдек **“Иқлим ўзгариши тўғрисида”**ги янги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Орол денгизининг қуриган тубида “яшил қоплама”лар барпо этиш давом эттирилиб, уларнинг жами майдони ҳозирги **1,9 млн гектардан** 2030 йилда **2,3 млн гектарга** етказилади.



Оролбўйи минтақасида “Иқлим технологиялари халқаро **“Expo-Hub”** ва Нукус шаҳрида – **“Туркий экология кенгаши”** бош қароргоҳи ташкил этилади.



VI. ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ ВА УНГА МОСЛАШИШ

- Чанг, қум ва туз бўронлари кўтарилиши хавфи юқори бўлган ҳудудларнинг хариталари ишлаб чиқилади ҳамда ушбу ҳудудларда иҳота ва яшил қопламалар барпо этилади.
- **БМТнинг** Яшил иқлим жамғармасидан **“Яшил шаҳарлар”** ва **“Оролбўйи ҳудудни ривожлантириш“** лойиҳаларни амалга оширишга **250 миллион долларгача** маблағ жалб этилиб, ўзлаштирилади.

V. МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ВА ОВ ХЎЖАЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

- **“Ов ва ов хўжалиги тўғрисида”**ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси ишлаб чиқилади

- Келгуси 5 йилда Поп ва Зарафшон миллий табиат боғлари, Нурота ва Сурхон давлат қўриқхоналари кенгайтирилади, Фарғона миллий табиат боғи, “Арнасой” орнитологик давлат буюртма қўриқхонаси, Навоий вилоятида Мингбулоқ муҳофаза этиладиган табиий ҳудуди ташкил этилади. Бунинг ҳисобига муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдони **533 минг гектарга** кенгайтирилиб, жами **6,85 млн гектарга** етказилади *(Республика умумий майдонининг 14,08 фоиздан 15,2 фоизга етказилади)*.
- Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва ўрмон хўжаликларида махсус датчиклар, IP-камералар ва космик тасвирлар ёрдамида реал вақт режимида ёнғинни эрта ва масофадан аниқлаш бўйича сунъий интеллектга асосланган тизим ишга туширилади.

V. МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ВА ОВ ХЎЖАЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

- Ўзбекистон Республикасининг Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида Қонунининг 11-моддасига мувофиқ Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган.
- Ушбу йўналишда ҳокимлар маҳаллий депутатлар ва кадастр органлари билан биргаликда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ер майдонларини мониторинг қилиши, келгусида кенгайтирилиши режалаштирилган майдонлар бўйича таклиф-тавсияларини ишлаб чиқишлари зарур.
- Шунингдек, олимларни жалб этган ҳолда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари, улардаги флора ва фаунани асраб қолиш ва кўпайтириш чораларни кўришлари лозим.

VI. ОБ-ҲАВО ПРОГНОЗИ ИШОНЧЛИЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ

- илғор халқаро тажрибаларни (Финляндия) қўллаган ҳолда об-ҳаво прогнози ишончлилик даражаси **94 фоизга** етказилади *(ҳозир 93 фоиз).*

- Трансчегаравий сув ресурсларини оқилона бошқариш мақсадида Амударё ва Сирдарё дарёлари оқимини сунъий йўлдош орқали мониторинг қилиш тизими ишлаб чиқилади.